O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 3-may • Shanba • 56 (27.861) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз.

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир».

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

Суратларда: ЎзХДП Наманган вилоят кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияси қатнашчилари.

ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА МАСЪУЛИЯТ

ҳар бир ёшда мужассам бўлиши шарт, дейилди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияларида

«Истиқбол» ёшлар қаноти йигит-қизларда фаол фуқаролик позициясини кучайтириш, улардаги иқтидорни юзага чиқариш ва қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифаларни ўзининг асосий йўналиши сифатида белгилаб олган. Бўлиб ўтган конференцияларда ушбу вазифалар қандай бажарилаётгани, «Истиқбол» фаоллиги қай даражада экани атрофлича таҳлил этилди.

Бухоро вилоятида «Ёшлар қаноти» атрофига уюшган беш мингдан зиёд йигит-қиз бугун ўз иш жойларида ўқув ва изланиш жараёнида кўпчиликка ўрнак бўлаётгани, айниқса қувонарлидир. Вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Бухоро давлат университети, коллежлар талабалари ўртасида «Балли, йигитлар!» кўрик-танлови ўтказди. Туман партия кенгашлари ва ёшлар қанотлари тегишли ташкилот ҳамда идоралар билан ҳамкорликда жойларда ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам тадбирлар ўтказаяптилар.

— Шунга қарамай, — деди ёшлар қаноти конференциясида сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева, — айрим туманларда Ёшлар йили Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ишлар кўнгилдагидек кетмаяпти. Ёшларни жамоат ишларига жалб қилиш, ташаббусларини қўллаб қувватлаш, партия сафига қабул қилиш ҳам қониқарли эмас.

2-бет

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

«Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» учинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотни, оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Бу йўналишда мукаммал иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиёти стратегиясида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлидаги эришган ютуқларимизни ўз вақтида, холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда юртимизда мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Уларнинг эркин ва мустақил фаолият юритиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист ва техник мутахассислар касбий маҳоратини юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда юртимизда ахборот алмашинувини изчил йўлга қўйиш, интернет журналистикасини жадал ривожлантириш, аҳолининг ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ривожи йўлида кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларидан янада юксак масъулият, мавжуд шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, Ватанимиз миллий манфаатларининг дунё миқёсида ишончли ҳимоячисига айланишни талаб этмоқда.

Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказиб келмоқда. Ушбу ижодий беллашувдан кўзланган асосий мақсад миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантиришдан иборатдир. Шу билан бирга, танлов изланувчан, ташаббускор, фидойи, қатъиятли қаламкашларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, янги ижодий марралар сари даъват этишга хизмат қилмоқда.

Танловнинг журналистика соҳасидаги бош миллий мукофотини қўлга киритган «Ўзбекистон» телерадиоканали — директори Хуршид Даврон — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофотига сазовор бўлди.

Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси бўйича, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича совриндорлари аниқланиб, пул мукофоти билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Суратларда: *мукофотларга сазовор бўлган журналистлардан бир гуруҳи.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ЎзХДП ҳаёти

ЁН-АТРОФИМИЗДАГИ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР

юртимизда кечаётган жараёнларга фаол муносабатда бўлайлик, дея таъкидланди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд, Наманган, Андижон вилоятлари кенгашлари пленумларида

Мамлакатимиз Президентининг халқ депутатлари вилоят Кенгаши навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг асосий вазифалари пленум иштирокчилари томонидан ҳар томонлама муҳокама этилди. Шунингдек, ўтган йилда олиб борилган партиявий фаолият натижалари, жорий йилдаги вазифалар, партия Дастури талабларининг бажарилиши, электорат билан мафкуравий соҳада иш олиб бориш услублари, шу йилдан эътиборан кучга кирган Конституциявий қонундан келиб чиқиб уларни такомиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу вазифаларни бажаришда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Чунки улар электорат билан бевосита алоқада, муаммоларни яхши билади. Қуйидан чиққан таклиф, ташаббус асосида ишларни ташкил этишнинг самараси юқори бўлиши аниқ.

Сўзга чиққанлар партия Дастурига бугунги кун талаблари асосида тегишли ўзгартишлар киритиш лозимлиги тўғрисида ҳам фикр билдирдилар. Вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков вилоят Кенгаши сессиясида Президентимиз қўйган устувор вазифаларни бажариш партия ташкилотлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаши, айниқса, турли даражадаги депутатлар бу борада фаоллик кўрсатишлари зарурлигига урғу берди. Шунингдек, у партиямиз дастурий мақсадларини мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар, қўйилаётган янги вазифаларга мос равишда такомиллаштириш зарурлиги ҳақида тўхталди. Ҳозирда фаолияти анча суст бўлган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари ишини жонлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Ҳ.Нормуродов, вилоят Кенгаши депутати И.Раупов, партия Булунғур туман кенгаши раиси ўринбосари М.Неъматов ва бошқалар Юртбошимизнинг вилоят Кенгаши сессиясидаги фикрларига фақатгина муносабат билдириб қолмай, кўрсатилган нуқсон ва муаммолар ечимига қаратилган амалий ишларга жамоатчиликни фаол жалб этиш бўйича аниқ таклифларни ўртага ташладилар.

ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ

«Нима учун айнан Хотира ва қадрлаш куни», — деган савол туғилиши табиий. Ҳар иккала сўзга мамлакатимиз раҳбарининг берган таърифи ушбу куннинг асл маънosini бор бўйича намоён этади.

2

ИНВЕСТИЦИЯ

айниқса, ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯ оқими нечоғли кўпроқ жалб этилса ва у юксак самара билан ўзлаштирилса — шу чоғли янги иш ўринларига кафолат, шу чоғли иқтисодиётга салоҳият ҳам дегани...

Статистика маълумотларига кўра ўтган йилнинг ўзида республикамизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортиб, 1 миллиард долларни ташкил этган. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар бўлди.

3

НУРЛИ КЕЛАЖАККА ИНТИЛАЁТГАН КАРВОН

Фестиваль дастури хилма-хил. Кураш, кўпкари, миллий ўйинлар, либослар кўргазмаси, халқ бахшиларининг кўриклари бўлиб ўтади. Очиқ майдонда пазандалар тотли таомлар тайёрлашади. Хуллас, ҳақиқий халқ сайли бўлади.

4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ОЛИМПИАДА ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДДА

Одатга кўра юртимизга хорижлик меҳмон ташриф буюрса, албатта, қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандни зиёрат қилмай кетмайди. Чунки бу шаҳар ўзининг бой тарихи, осори-атиқалари, минг йиллар қаъридан сўзлагувчи обидалари билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Кеча 42-халқаро Менделеев олимпиадаси иштирокчилари ҳам жамоа раҳбарлари билан биргаликда бу муқаддас шаҳарга ташриф буюришди. Темирйўл шоҳбекатида меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

Шундан сўнг олимпиадачилар учун Самарқанд бўйлаб экскурсия ташкил этилди. Дастлаб улар шаҳар марказидаги маҳобатли Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Кейин эса Гўри Амир мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон ансамбли, Бибихоним мадрасаси, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси, Афросиёб музейига ташриф буюришди.

Дик ИВАНОВ, ҳакамлар ҳайъати аъзоси (Россия):

— Россия тарихи китобларида ҳам Амир Темур фаолияти ва у барпо этган салтанатнинг пойтахти Самарқанд билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди. Аввалари бу қадимий шаҳар ҳақида кўп эшитган эдим, лекин ўз кўзим билан кўрмагандим. Бу шаҳар мени лол қолдирди. Мустақиллик йилларида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди. Қадимий шаҳарнинг мафтункор манзараси бир умр ёдимдан кўтарилмаса керак.

Нуржаҳон ОРТИҚОВА, Ашхобод шаҳридаги 7-ўрта мактаб 10-синф ўқувчиси (Туркманистон):

— Самарқанд шаҳрини биринчи марта телевизор орқали «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида кўргандим. Бир неча юз йил аввал барпо этилган биноларнинг меъморий ечими менга жуда ёқди. Самарқанд шу жиҳатлари билан Европа шаҳарларидан фарқ қилар, тарихий китобларга ўхшаб зерикарли эмас экан. Юртимга борсам, тенгдошларимга бу ерда кўрган-билганларим ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Шунингдек, дўстларимга ҳеч бўлмаса бир марта Ўзбекистон диёрига келишларини маслаҳат берган бўлардим.

✧✧✧

Меҳмонлар бир олам таассуротлар билан Тошкентга қайтиб келишди.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Глеб ШИРОКИЙ, Таллиндаги рус лицейи 11-синф ўқувчиси (Эстония):

— Бу ердаги тарихий биноларнинг меъморий ечими менга жуда ёқди. Самарқанд шу жиҳатлари билан Европа шаҳарларидан фарқ қилар, тарихий китобларга ўхшаб зерикарли эмас экан. Юртимга борсам, тенгдошларимга бу ерда кўрган-билганларим ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Шунингдек, дўстларимга ҳеч бўлмаса бир марта Ўзбекистон диёрига келишларини маслаҳат берган бўлардим.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

Журналистика соҳасидаги бош миллий мукофот «Ўзбекистон» телерадиоканали — директор Хуршид Даврон. Мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда республикада юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни кенг ёритгани учун.

АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР

Энг яхши журналистик материал учун

Телевидение:

1-ўрин:

Комилжон Шамсиддинов — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион кўрсатувлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари. Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдони ҳақидаги «Сен — тинчликсан, сен — саодат, сен — эрксан» ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Шомдан тонггача» бадиий-публицистик видеофильмлари учун.

Радио:

1-ўрин:

Азимжон Пўлатов — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» муҳарририяти бўлими мудири. Хавфсизлик бўйича долзарб масалалар, хусусан, халқаро терроризм, диний экстремизм ва экологик муаммоларга бағишланган радиоэшиттиришлари учун.

Матбуот:

1-ўрин:

Жаҳонгир Исмоилов — «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири. Мамлакатнинг таълим соҳасидаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ислоҳотларни ёритган материаллари учун.

Интернет-журналистика:

1-ўрин:

«Uz report.com» Интернет портали — директор Равшанхон Жўраев. Ўзбекистондаги инвестицион муҳитни ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни атрофлича ёритгани учун.

(Барча совриндорларни, 2-3 ўринларни олган, рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлган ҳамкасбларимизни самимий қутлаймиз!)

ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ВА МАСЪУЛИЯТ

ҳар бир ёшда мужассам бўлиши шарт, дейилди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияларида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конференцияда сўзга чиққан Бухоро Юридик, маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Зебинисо Муродова, «Камолот» ЁИҲ Вобкент туман бўлими ходими Зуҳро Нарзиева, ЎзХДП Пешқў туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ойдинисо Раҳмонова ва бошқалар ёшлар қаноти фаоллигини янада ошириш, депутатлик гуруҳлари орқали йигит-қизлар манфаатларини ифода этиш, уларни катта ҳаётга тайёрлаш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Қанот ёшларнинг ҳақиқий суянчи, кўмакчиси, маслакдоши бўлишига эришишимиз учун, аввало етакчи зиммасидаги катта масъулиятни қалбан ҳис этиб ишлашимиз даркор, — деди вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ҳусен Жумаев. Етакчи омилкор, тадбиркор бўлса, узоқни кўра олса — жамоани ёрқин манзилга албатта етказади.

Даврон БАҲРОНОВ

●●●

Қорақалпоғистон Республикасида 1,5 миллиондан кўпроқ аҳоли яшаётган бўлса, шундан 720 мингдан ортиғини ёшлар ташкил этади. 754 та умумтаълим мактабида 133 мингга яқин, 72 та академик лицей, касб-ҳунар коллежларида 60 минг 755 талаба, 5 та олий ўқув юртида эса 15 минг 361 талаба таҳсил олмоқда. Буни ҳисобга олсак, улар жамиятда жуда катта куч экани яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида қанот раиси Ж.Дошниязов истиқболчиларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга, «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросига самарали ҳисса қўшишга даъват этди.

Сайёра РЕИМОВА, ЎзХДП Амударё туман кенгаши «Истиқбол» Ёшлар қаноти раиси:

— Биз ислоҳотларни амалга оширишда фақат оддий иштирокчи бўлиб қолмасдан, ўзимизга тегишли муаммоларни «Истиқбол»га бирлашиб ўрганиб чиқишимиз, ечимини излашимиз, таҳлилларга асосланган таклифлар билан чиқишимиз лозим. Шундагина жамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаймиз.

Рустам ЮСУПОВ, ЎзХДП Хўжайли туман кенгаши «Истиқбол» Ёшлар қаноти раиси:

— «Истиқбол» фаолиятини такомиллаштириш, ривожлантириш учун етакчиликка қобилиятли ёшларни танлаб, улар орқали ёшлар орасига кириб боришимиз, шунингдек, тенгдошларимизни мустаҳкам жипслаштиришимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

●●●

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида қанот раиси Б.Раҳимов 2007 йилда «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан амалга оширилган ишлар, Ёшлар йилидаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Навоий педагогика коллежининг ёшлар етакчиси Ж.Савриев, Навоий давлат педагогика институти талабалари Д.Воҳидова, Н.Жалилова, ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ф.Ширинов, ЎзХДП Конимех туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Ж.Қиличев, Ўз ХДП Зарафшон шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Г.Ҳақбердиева ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш, ўз имкониятларини очиши, иқтидорини намоён этишларига қўмаклашиш лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам бериш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларга оид муаммоларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда бунга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, ёш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фаоллигини ошириш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференция якунида 2 нафар талабага ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши томонидан таъсис этилган стипендия ва 5 нафар ёшга ЎзХДП сафига қабул қилиниши муносабати билан партия гувоҳномаси топширилди.

Ўз мухбиримиз.

●●●

Жиззах вилоят партия ташкилоти ҳисобида 14 минг нафарга яқин аъзо бор. Шулардан 2900 нафарини ёшлар ташкил қилади. Бу етарли эмас, дейилди вилоятдаги ЎзХДП ёш фаолларининг конференциясида. Партияга сиёсий фаол ёшларни жалб қилиш борасида кўпроқ ишлашимизга тўғри келади. Шу ўринда бугун бизга нафақат дастурий мақсадларимизга хайрихоҳ, балки биз билан бирга ана шу вазифаларни амалга ошириш учун курашувчи ёшлар зарур. Партиямизни қўллаб-қувватлаётган, унга аъзо бўлиб киришни хоҳлаётган йигит-қизларни аниқлаб, уларнинг онгида фаол фуқаролик позициясини, юртга, бунёдкор ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Шулар баробарида ёш фаолларимиз орасидан бўлғуси етакчиларни топиш, келгусида партия ташкилотларида ишлашга тайёрлаш ҳам жуда муҳим. Бу ишларни албатта, ўзимиз қилишимиз керак, — дея таъкидлашди ёш фаоллар. Муҳими, биз кундалик ҳаётда ёшлар дуч келаётган муаммоларга бефарқ, лоқайд муносабатда бўлмасликни ўрганишимиз, уларни ҳал этишда тенгдошларимизга ижтимоий-ҳуқуқий кўмак беришга ҳаракат қилишимиз зарур. Афсуски, айрим туман партия кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қанотларининг бу йўналишдаги ишлари таҳлил қилинганда, ҳали ютуқларимиздан кўра камчиликларимиз кўпроқ экани сезилмоқда.

— Биз олис қишлоқ ёшларининг турмуш тарзи билан ҳамнафас бўлишимиз лозим. Бунинг учун иқтидорли тенгдошларимизни қўллаб-қувватлашга оид жамоатчилик асосида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ва шунга ўхшаш бошқа ёрдамчи тизимларни очиш ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди, — деган фикрни билдирди Жиззах педагогика институти қошидаги Сайилжойи Академик лицейи ўқувчиси Фотима Сатторова.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁН-АТРОФИМИЗДАГИ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ҳар бир фуқарода жамият тақдирига масъуллик ҳиссини уйғотиб, фуқаролик позициясини шакллантириш лозимлиги тўғрисида таклифлар киритдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларни бажариш учун нималар қилиш лозимлигига эътиборни қаратди. У хусусан мафкуравий ишларни кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Анастасия ПАВЛЕНКО

●●●

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг пленумида кенгаш раиси Одинахон Мадаминова мафкуравий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, дастурий мақсадларнинг амалий ижроси, жумладан, ижтимоий ҳимоя тизими, аҳоли бандлигига кўмаклашишда партия ташкилотларининг ўрни каби қатор масалаларга алоҳида тўхталди.

Вилоят партия ташкилотлари томонидан сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида фаоллар ўқишини ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Ҳар бир туман ва шаҳар кенгашида, 36 та бошланғич партия ташкилотида сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувлари олиб борилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари Кенгаш сессияларида турли долзарб масалалар юзасидан сўзга чиқиб, қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз таклифларини билдирдилар. Жумладан, 2007 йил 5 июнда бўлиб ўтган сессияда депутат Мавлудахон Курбонова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги Фармони ижроси юзасидан, депутатлик гуруҳи раҳбари Назиржон Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Республика Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузасидаги қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»ги қарори бажарилиши ҳақида таклиф ва ташаббусларини билдирди.

Ўтган йилда вилоятда ЎзХДП сафига жами 1500 нафар киши қабул қилинди. Бу ишда айниқса Асака шаҳар, Асака ва Избоскан туман партия кенгашлари ижобий натижаларга эришди. Лекин бу борада Андижон, Булоқбоши ва Хўжаобод туман партия кенгашлари ўзибўларчиликка йўл қўйди.

Пленум мунозаралари асосида ўтди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

●●●

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг пленуми янги қабул қилинган 15 нафар кишига партияга аъзолик гувоҳномаларини тантанали топширишдан бошланди.

Пленум иштирокчилари жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бугунги жараёнларга фуқароларнинг онгли, ўз позицияси асосида фаол ёндашувини таъминлаш билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратдилар.

— Бунинг учун партия бошланғич тузилмалари фаолиятини жонлантиришимиз зарур, — деди вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев. — Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва шу йил 1 январдан кучга кирган Конституциявий қонуннинг тўлиқ амал қилиши ва самарали ишлаши энг аввало сиёсий партияларга, шу жумладан биз ХДП фаоллари, жойлардаги етакчиларга ҳам боғлиқ. Кенг қамровли ислоҳотларнинг бугунги босқичи маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимиз — депутатлардан партия шаъни ва обрўсини кўтариш, унинг ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун астойдил ишлашни талаб этмоқда. Иштирокчилар вилоятнинг ижтимоий соҳаларидаги масалалар ечимида депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини, масъулиятини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Электоратнинг сиёсий онги ошиб бораётганини назардан қочирмаслик зарурлигини қайд этдилар.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан музокарада Наманган шаҳар партия кенгаши раиси Маматвали Турғунов, Чуст туманидаги Тепақўрқон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Машрабби Назирова, вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Аҳмаджон Мавлонов ва бошқалар сўзга чиқиб, янгиланиш жараёнларида партия электорати манфаатларини самарали ҳимоя этишга доир таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Қонун ва шарҳ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 27-28 мартдаги ўн учинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган қатор қонунлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Ушбу қонунлардан бири «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2008 йил 12 апрелда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

Қайд этиш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ватанимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири жиноий жазоларни либераллаштириш ҳисобланади. Амалдаги жиноят қонунига ярашув институтининг киритилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг кенг қўлланила бошланганлиги инсонпарварлик ва одиллик принципларининг ифодаси бўлиб, бу ислоҳотлар дунё миқёсида қайта-қайта эътироф этилмоқда. Янги қабул қилинган юқоридаги қонун ҳам жиноят қонунчилигимизни либераллаштиришга қаратилган навбатдаги қадамлардан биттаси бўлди.

Маълумки жазо тайинлаш жиноят қонунчилигининг алоҳида институтларидан бири ҳисобланади. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Ўз навбатида қонун чиқарувчи орган томонидан баъзи жиноятлар бўйича жазо тайинлашда уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида жазо тайинлашга оид нормалар белгиланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддаси биринчи қисмига биноан, тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда, суд жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилиш билан бирга, жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражаси ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади. Шу билан бирга, жазо тайинлашга оид ушбу нормаларнинг умумий хусусиятга эга эканлигини, қонунда тамом бўлмаган жиноят учун тайинланадиган жазонинг юқори чегараси белгилаб берилмаганлигини қайд этиш лозим. Тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичида тўхтатилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан камроқ бўлади. Шу сабабли ҳам республикамиз Жиноят кодексида тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида тартибини киритишга эҳтиёж бор эди.

Таҳлил қилинаётган Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилди ва тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг янги тартиби киритилди. Қонуннинг мақсади ҳам тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар учун судлар томонидан тайинланадиган жазолар миқдорини табақалаштириш билан жиноят судлов ишларида адолат ва инсонпарварлик принципларини таъминлашдан иборатдир. Киритилган қўшимчага биноан эндиликда жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

Масалан, шахснинг ўғрилик (ЖКнинг 169-моддаси биринчи қисми) жиноятини содир этишга қаратилган ҳаракатлари тайёргарлик кўриш ёки содир этишга суиқасд босқичида тўхтатилган бўлса, мазкур жиноят учун ушбу модда қисми санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Агар суд ушбу тамом бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлашни лозим топса, унинг муддати 2 йилу 3 ойдан ошмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг, шу жумладан ҳамдўстлик давлатлари Жиноят кодексларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксариятида, чунончи Австрия, Дания, Голландия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбойжон, Арманистон, Грузия давлатларида тамом бўлмаган жиноят учун алоҳида жазо тайинлаш тартиблари назарда тутилган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кўп муддати ёки миқдори тамом бўлган жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кўп муддати ёки миқдорига нисбатан қисқартирилган. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 66-моддаси учинчи қисмида жиноятга суиқасд қилиш учун тайинланадиган жазо мазкур Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазонинг кўп муддати ёки миқдорини тўртдан уч қисмидан ошиб кетиши мумкин эмас, деб белгиланган.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг юқорида кўрсатилган тартиби баъзи жиноятлар бўйича жазо тайинлашда қўлланилмайди. Чунончи ушбу қоида:

— ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

— тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар учун (ЖКнинг иккинчи бўлимида кўрсатилган жиноятлар), шунингдек, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисми);

— ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (ЖКнинг 118-моддаси тўртинчи қисми, 119-моддаси тўртинчи қисми);

— ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар (ЖКнинг 246-моддаси иккинчи қисми) учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Фикримизча, қонунда юқорида кўрсатилган шахслар ва жиноятлар учун жазо тайинлашда тегишли қоидани қўллашнинг таъқиқланиши ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ниҳоятда юқори эканлиги билан изоҳланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ушбу қўшимча судларнинг адолатли жазо тайинлаш имкониятларини кенгайтиради, пировардида жиноят қонунчилигимиз нормаларида инсонпарварлик ва одиллик принципларининг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Суръат НАЙИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗ

Гарчи уруш олови олисларда ёнган бўлса-да, унинг даҳшатли қайғуси кириб бормаган бирор ўзбек хонадони, ундан жабр тортмаган бирор тақдир қолмаган эди. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан салкам бир ярим миллион мард ўғлон иштирок этди. Уларнинг қанчаданқанчаси ҳалок бўлди. 450 мингдан ортиқ ватандошимиздан жудо қилган бу талотумнинг мудҳиш асоратлари ҳамон хотираларда сақланиб келаётгани ҳам бор ҳақиқат.

Маълумки, мустабид тузум даврида 9 май фақат Ғалаба куни сифатида нишонланарди. Шу сабабли мустақиллик йилларида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан «9 май — Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилинди. «Нима учун айнан Хотира ва қадрлаш куни», — деган савол туғилиши табиий. Ҳар иккала сўзга мамлакатимиз раҳбарининг берган таърифи ушбу куннинг асл маъносини бор бўйича намоён этади.

«Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир».

Дарҳақиқат, бу байрам энди эркинлик ва озодлик, тинчлик ва осойишталик учун курашиб, ҳаётини қурбон қилган ватандошларни хотирлаш, ўз меҳнатлари, жасоратлари билан юртни ҳимоя этган, бугун ҳам сафимизда юрган кекса авлодни эъзозлаш, инсонни қадрлаш куни деб эълон қилинди.

Шу куни Ватан озодлиги йўлида жанг қилган ва ҳалок бўлган барча инсонлар хотирланади, уларнинг ҳақларига дуолар қилинади. 1999 йил Тошкент шаҳрида уларнинг шарафига Хотира майдони барпо этилди. У ерда урушга кетиб бедарак йўқолган юртдошларимизнинг номлари аниқланиб, зархал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Қисқа фурсатда республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ана шундай Хотира майдонлари ташкил этилди. Уларда қад ростлаган Мотамсаро она ҳайкали беомон урушда фарзандидан айрилган минглаб оналарнинг тимсоли сифатида кўз олдимизда гавдаланади.

Уруш йиллари ўзбек халқи фронт ортини мустаҳкамлаш, жангчиларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уруш бўлаётган шаҳарлардан эвакуация қилинганларни ўз бағрига олиш, фронт майдонига айланган шаҳарлардан кўчириб келтирилган завод-фабрикаларда кечаю-кундуз ишлаш машаққатлари билан юзма-юз келдилар. Халқ хўжалигининг барча юмушлари кексалар, хотин-қизлар ва болалар зиммасида қолди. Таъбир жоиз бўлса, 24 соат дасттоҳ ёнида оч-наҳор ишлаган аёлни, болалиги ёдидан кўтарилган, очликдан мадори қуриган, ҳаётнинг ўзи эрта улғайтирган уруш болаларини, фарзандини жангга юбориб, унинг йўлига кўз тиккан, ер ҳайдаб деҳқончилик қилган, топган нонининг ярмини фронтга, қолган ярмини фронт ортидаги оч болаларга бериб, уларнинг ҳаётини асраб қолган кекса отахону онахонларни ҳам ҳақли равишда уруш қаҳрамонлари дейиш мумкин.

Ҳар гал пойтахтимиздаги Хотира майдонига борганимизда ўз отасининг исмини қидираётган, кўз ёш тўкаётган, ёнидаги фарзандига «Кўряпсанми, сенинг бобонг қандай инсон бўлган?» деяётган одамларни кўриб, юрагимиз энтикиб кетади. Мудҳиш уруш тугаганига ҳам ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Ўша пайтда туғилган чақалоқлар бугун 63 ёшга кирди.

Биз мустақил, тинч-осойишта мамлакатда ҳаёт кечиряпмиз. Орамизда ҳаёт бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини йўқлаш юртимизда анъана тусини олди. Шу куни улар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил қилинади, хизматлари эътироф этилади. Ёшлар ота-боболарининг ўтган кунлар ҳақидаги ҳикояларини тинглашади.

Демак, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни шунчаки сана эмас. Ўтганларни хотирлаб, руҳларини шод этадиган, уруш қатнашчилари, меҳнат фаҳрийлари ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини шод қиладиган кун. Халқимизнинг одамийлик, меҳр-оқибат фазилатларини намоён этадиган санадир.

Темур АЪЗАМ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.



Ўзбекистонда жўшқин ҳамда самарали ҳамкорлик қилиш учун, иқтисодиётимизга инвестициялар киритилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ислом КАРИМОВ

ИНВЕСТИЦИЯ

айниқса, ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯ оқими нечоғли кўпроқ жалб этилса ва у юксак самара билан ўзлаштирилса — шу чоғли янги иш ўринларига кафолат, шу чоғли иқтисодиётга салоҳият ҳам дегани...

Мамлакатимизда истиқлол йиллари қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида», «Бож тарифи тўғрисида» каби ўнлаб қонунлар ва қонуности ҳужжатлари бугунги кунда чет эл инвесторлари ва сармоядорлари билан жўшқин ҳамда самарали ҳамкорликка кенг йўл очди. Улар асосида яратилган шарт-шароитлар эндиликда мамлакатимиз аҳолиси фаровонлиги ортиши, иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, инвесторлар ишончига сазовор бўлиши ва инвестициялар оқими кўпайишига хизмат қилмоқда. Жойларда, айниқса, қишлоқларда йирик ҳамда мўъжазгина саноат ишлаб чиқариш қувватлари, янгиянги қўшма корхоналар барпо этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланмоқда. Бу эса маҳаллий бюджетлар ўсишига туртки бериб, даромадлар миқдорини ошириш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш каби жараёнларда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Статистика маълумотларига кўра ўтган йилнинг ўзида республикамизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортиб, 1 миллиард долларни ташкил этган. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар бўлди. «Зеварда» конида ишга туширилган компрессор станцияси, Кўқдумалоқ конида йўлдош газларни тозалаш ускуналари, 142 километр узунликдаги газ қувурлари, 184 километр масофада электр узатиш тармоқлари айни шундай инвестициялар самарасидир. Резаксойда (Наманган) қурилиши якунланган сув омбори иншооти, 223 километр узунликдаги «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темирйўл қурилиши, 245 километр масофада реконструкция қилинган автомобиль йўллари ва 1 минг 750 километрдан кўпроқ халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумфойдаланиш йўллари — ҳаммаси хорижий инвестициялар иштирокидаги бунёдкорлик ишлари маҳсулидир. Яна бир аҳамиятли рақам: 2007 йилда юртимизда 700 дан зиёд корхона қурилишида хорижий сармоялар улуши бўлди.

Буларгина эмас, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимларида ҳам катта ҳажмли стратегик лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўтган йили қарийб 330 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредитлар ва 46 миллион доллар ҳажмда грантлар иштирок этди.

Барпо этилган кўшма корхоналар енгил, озиқ-овқат, электротехника, кимё ва нефткимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ҳамда ахборот технологиялари сингари юксак технологияга асосланган тармоқларда фаолият бошлагани иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига катта салоҳият бағишлади. Биргина тўқимачилик саноатида ривожланиш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига киритилган 66 та корхонадан 34 тасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. 20 та корхонада қурилиш ишлари ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш жараёнлари ниҳоясига етмоқда. Модернизациялашган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми қисқа фурсатларда 1,5 баробар ошди. Инвестиция дастури доирасида 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Булар жалб этилган инвестицияларнинг, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг, шубҳасиз, салмоқли ўрнини кўрсатувчи дангал далолатлар.

Шу йил 18 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 2008 йилнинг биринчи чораги якунлари ҳисоботида таъкидланишича, **«2008 йилги Инвестиция дастурини, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар инвестициялар ҳажмининг 41 фоизга, шу жумладан, тўғридан тўғри инвестицияларнинг 56,8 фоизга ўсишига кўмаклашди».**

Қайд этилган мазкур мисоллар, рақамлар ва далиллардан кўриниб турибдики, бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти ривожида хорижий инвестиция ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этишда, ҳаракатдаги қувватларни реконструкция қилишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтиришда, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда касаначиликни жадаллаштиришда муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Бир мисол. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида бугунги кунда сармояланган 56 та объектда жуда катта бунёдкорлик ишлари бажарилди ва бажарилмоқда. Мазкур йўналиш бўйича дастурга киритилган 49 та корхона жорий йилдан бошлаб маҳсулот бера бошлади. Уларда чет эл инвестицияларининг жами ҳажми ушбу лойиҳаларга кўра 251,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қолган 17 та лойиҳа бўйича ускуналар келтирилиб, монтажлаш, созлаш ишлари давом этмоқда. Биргина шу йилнинг биринчи чорагида компания тизимларида 16,96 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестициялари ўзлаштирилди. Натижада, соҳада биргина касаначилик бўйича йилнинг дастлабки уч ойидаёқ 254 та қўшимча иш ўринлари вужудга келди.

Бироқ, ростини айтиш керак, бу йўналишда мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида ҳам ишлар яхши кетаяпти, деб бўлмайди. Узоқларни кўзлаб жалб этилиши керак бўлган чет эл инвестициялари ва сармоялар (хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар) ўрнига маҳаллий бюджет харажатларигагина кўз тикиб ўтирган ҳудудлар, туманлар йўқ дейсизми? **«Ҳозирги кунда,** — деб таъкидлади Президентимиз Ислом Каримов 2007 йилнинг якунлари ва 2008 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида, — **Сурхондарё, Жиззах ва Наманган каби баъзи вилоятлар ва кўплаб қишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётгани биринчи навбатда мазкур ҳудудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётгани билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор».**

Давлатимиз раҳбари маърузасида бундай ҳудудлар қаторига Пешку, Шофиркон, Нурота, Хатирчи, Кўшработ, Бандихон, Қораўзак, Тахтакўпир, Бахмал, Янгиобод сингари ўнлаб қишлоқ туманлари кириши рўй-рост айтиб ўтилди ҳам.

Уларда бугунги кунда маҳаллий бюджет харажатларининг 50 фоиздан кўпроғи вилоят ва республикадан берилаётган дотация ҳисобига қопланаётгани ачинарли, албатта. Кўплаб қишлоқ туманларида ҳануз ақалли мўъжазгина корхоналар, цехлар барпо этиш, кичик бизнесни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга етарли аҳамият берилмаётир. Аниқ айтганда, бу жараён мамлакатда бандлик муаммосини ҳал этиш ва аҳоли даромадини ўстириш, пировардида, турмушимизни фаровонлаштиришда энг самарали йўл эканини жойлардаги раҳбарлар ҳануз чуқур англаб етмаяпти, чоғи. Шу ўринда партиямиз туман, вилоят кенгашлари, депутатлик гуруҳлари ҳам бу борада етарли ташаббус кўрсатмаётгани, аниқ таклифлар билан чиқмаётганини ҳам тан олишимиз керак.

Эсланг, Юртбошимиз Мустақилликнинг илк йилларидаёқ олдимизга **«Саноатни қишлоқ жойларига олиб бориш, уни кенг ривожлантириш керак»** — деган вазифани қўйганди. Бу — ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун чет эл инвестициялари ва сармоялари, айниқса, **тўғридан-тўғри инвестициялар** кўпроқ жалб этилиши ҳамда уларни оқилона ўзлаштирилиши — ҳам табиий, ҳам ижтимоий зарурат.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Таҳлил, талқин ва таққос



Вазир сўроқ қилинди

Исроил бош вазири Эхуд Олмерт полицияга сўроқ қилиниш учун чақирилди, деб хабар беради Ha'aretz. Уни сўроққа тутиш санкциясини Исроил бош прокуратураси берган. Мамлакатнинг Channel 2 телеканали хабарига кўра, вазир жума куни эрталаб сўроқ қилинди.

Исроил ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Олмертга тааллуқли учта жиноий ишни кўра бошлаган. Улардан энг асосийси, «Сармоя фонди» билан боғлиқ. Тергов натижаларига кўра, савдо ва саноат вазирлигини бошқарувчи Олмерт ўзининг собиқ иш ҳамкори адвокат Уриэл Мессерга давлат фондидан 10 миллион доллар ажратган. Бу маблағ эса Димон шаҳридаги ғишт ишлаб чиқарувчи завод қурилишига сарфланган. Иккинчи тергов ишига биноан Олмерт савдо вазирлигига ишга тайинлаш учун пора олганликда айбланмоқда. Учинчи тергов иши эса унинг оиласи кўчмас мулкни сотиб олганда жуда катта чегирмадан фойдаланган сабаб кўзғатилди.

Шарҳ

АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК БЎЛАДИМИ?

27 апрель толибонлар Қобулда бўлиб ўтган тантанали ҳарбий парад иштирокчиларига ҳужум қилди. Унда Афғонистон президенти Хамид Карзай ҳам иштирок этаётганди. Меҳмонлар қаторида вазирлар маҳкамаси аъзолари, АҚШ, Буюк Британия элчилари, БМТ ва НАТОнинг мухтор вакиллари бор эди. Улардан ҳеч бири яраланмаган. Аммо юз берган воқеа етти йилдан буён толибонларга қарши НАТОнинг кураши ва Афғонистон ҳукуматининг вазиятни назорат остида тутиб тургани қанчалик самара бераяпти, деган саволни кўндаланг этиб қўйди.

Афғон парламенти депутатининг айтишича, биринчи портлаш Eid Gah мачити олдида, иккинчиси эса Карзай ўтирган ердан 50 метр нарида юз берди. Шундан сўнг толибонлар автоматдан ўқ узишни бошлашди. Таҳликада ҳамма — нозик меҳмонлардан тортиб, сиёсатчилар, томошабинлар, Die Welt газетасининг айтишича, 3000 нафар зобитлар ҳам қоча бошлаган. Миллий телевидение бир мунча вақт юз бераётган ҳодисани кўрсатиб турди.

Отишма вақти жами уч киши ҳалок бўлган: қабила бошлиғи Назир Ахмад Латиф, депутат Фозил Рахман ва 10 яшар бола. Яна тўққиз киши яраланган. Ҳужум қилганлар олти кишидан иборат бўлган. Ҳозиргача уларнинг қай тартибда ҳаракат қилгани номаълум. Баъзи тахминларга кўра, жангарилар тадбир ўтказилган жой қаршисидаги меҳмонхонадан туриб ҳужум қилган. Олти нафар жангарининг учтаси ўлдирилган. Битта жангари афғон ҳарбийлари томонидан тириклай қўлга олинди. Қолган икки нафар жангари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Die Weltнинг хабарига кўра, полиция юзга яқин кишини гумонсираб ҳибсга олган.

Бироздан сўнг президент Хамид Карзай миллий телевидение орқали чиқиш қилди. Бўлган фавқулоддаги ҳолат мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солмаслигини уқдиришига қарамай, президентнинг сўзлари ҳеч кимни тинчлантира олмади. Бўлган воқеа, аксинча, айни вазиятда ҳукуматнинг жиддий назорати йўқлигига далолат бўлди, холос. Парад ўтказилишидан бир ҳафта олдин Қобулда хавфсизлик чора-тадбирлари кучайтирилгани, кўчаларда қўшимча назорат пунктларининг қўйилиши, шубҳали кўринган машина ва пиёдаларнинг синчиклаб тинтиб кўрилишига қарамай жангарилларнинг президентдан 450 метр узоқликда жойлашиб олгани назорат ва хавфсизлик ишлари кўнгилдагидек бўлмаганини кўрсатиб турибди.

Аксар қузатувчилар ва журналистлар мазкур вазиятда толибонларнинг ҳукуматга қарашли махсус хизмат органларида ўз шериклари борлиги ҳақда тахмин қилмоқда. Аммо буни исботлаш осонмас. Чунки тадбир хавфсизлиги учун жавобгар бўлган ҳарбийлар, полиция ва махфий хизмат вакиллари айбни бир-бирига тўнкаб келмоқда. Нима бўлганда ҳам, толибонлар истаган вақтида, истаган ердан туриб тўсиқлар оша ҳужум қила олиши мумкинлигини амалда яна бир бор исбот қилишга эришди. Матбуотда бу хабарнинг президентга уюштирилган учинчи суиқасд деб таърифланиши чиндан ҳам ростга ўхшайди.

Демак, ҳукумат вазиятни қанчалик назорат остида сақлаб турибди, деган саволнинг жавоби қониқарли эмас. 2001 йилги мағлубиятдан сўнг «Толибон» ҳаракати жангарилари чегарага яқин ҳудудлар, мамлакат жанубида жон сақлаб юргани, ўша ерларда ҳарбий тўқнашувларнинг юз бераётгани ҳеч кимни ташвишлантирмай қўйганга ўхшайди. АҚШ миллий разведкаси раҳбари Майкл Маккенолининг маълумотига кўра, «Толибон» Афғонистон ҳудудининг 10 фоизини назорат қилиб келмоқда. Қобулдаги Хамид Карзай ҳукуматига эса 30 фоиз ҳудуд қарайди. Мамлакатнинг қолган қисми эса қабилаларга қарашли бўлиб, улар толибонлар билан истаганча муносабат ўрнатади. Қобулдан 1 соатлик йўл нарида жойлашган Вардак қишлоғи эса жангарилар учун суянч вазифасини ўтайди.

Шу ўринда қабила муносабатлари мамлакатдаги сиёсий жараёнларга жиддий таъсир ўтказишини айтиш лозим. Яъни парламентда сиёсий партиялар эмас, қабилалар етакчилик қилади. Human Rights Watch халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотига кўра, депутатларнинг учдан бир қисми собиқ командирлар ёхуд гиёҳванд моддалар савдоси ва уни ишлаб чиқаришга алоқадор шахслардан иборат.

Хавфсизликни таъминлаш учун полиция ва хавфсизликни таъминловчи кучлар оёққа туриб ололмаяпти. АҚШ ва Европа давлатлари аста-секин ўз қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун маҳаллий мутахассислар ва полицияни тайёрламоқда. Аммо бу хатти-ҳаракатларнинг бари кутилган натижани бермаяпти. Чунки афғонларнинг ўзлари полицияда ихтиёрий равишда ишлашга шошилаётгани йўқ. Муҳим ҳисобланган Кейтши довонини қўриқловчи маҳаллий полиция майори Самеруд Сазаи ихтиёрида 14 нафар полициячи бор, холос. Полициячиларнинг аксар ҳолларда низо қурбонига айланаётгани, уларнинг маоши оддий аскарникидан ҳам камлиги сабаб полициячиликка келганларнинг кўпи уч йиллик шартнома муддати тугагач, фикридан қайтмоқда.

Ва ниҳоят аҳолининг ҳукуматга бўлган ишончсизлиги ҳам вазиятни оғирлаштиради. Ҳукумат аҳолига хавфсизликни тўлиқ таъминлаб беролмаётгани ўзига хос берк кўчани эслатади. Яқинда маълум бўлишича, Ғарбдан келаётган ёрдам ҳукумат эҳтиёжларини қондириш учун эмас, баъзи мансабдорларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун сарфланаётган экан.

Бу воқеалар мамлакатимиз раҳбари НАТОнинг Бухарестда бўлиб ўтган саммитида нақадар муҳим таклифларни билдирганини яна бир бор исботлади.

БМТнинг Қобулдаги махсус вакили Том Кенигснинг фикри Афғонистондаги вазиятни бир қадар ойдинлаштиради: «2001 йил толибонлар ҳайдалганидан сўнг Ғарб давлатлари Афғонистонни ҳарбий низони бошдан кечирган давлатлар қаторида кўраётганди. Аслида эса у «собиқ» эмас, «низоли» давлатлигича қолмоқда».

Гулгун СУЛТОНОВА тайёрлади.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, «Какайди» аҳоли пунктидаги 11506-сонли ҳарбий қисм 1-ҳарбий шаҳарчасида жойлашган 157-сонли яшаш уйи биносини капитал таъмирлаш.

Иншоотнинг қурилиш муддати — 50 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Тел: 260-50-80.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома (лицензия) ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ «ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ «ЖЕЙНОВ ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОАЖ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

◆ **Жейнов қўрғонидаги пахта тозалаш заводини реконструкция қилиш.**

Иншоотнинг бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) — 3.398.147.000 сўм.

Иншоотни тугаллаш муддати — 5 ой.

Буюртмачи — «Жейнов пахта тозалаш» ОҲЖ.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — «Жейнов пахта тозалаш» ОҲЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун талабнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шассеси 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Ташкилотчи» биносида ўтказилади.

Фестиваль

НУРЛИ КЕЛАЖАККА ИНТИЛАЁТГАН КАРВОН

Бугун Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида «Асрлар садоси» деб номланган анъанавий маданият фестивали бошланади.

Аввало, бу ўзига хос анжуман, ҳатто уни қутлуғ деб ҳам аташ мумкин. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда асрлар давомида сайқалланиб, ривожланиб келаётган миллий қадриятларимиз, кураш, кўпкари, қўшиқ, рақс сингари жозибали ҳамда мардона ўйинлар намойиш этилади.

Тўй — самимий туйғулар ва тилаклар айёмидир. Бу гал ҳам шундай бўлди. Китоб тумани бир неча қундирки, байрам оғушида. Мамлакатимизнинг ҳамма томонидан, ҳатто ўзга юртлардан келаётган меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинмоқда. Агар таъбир жоиз бўлса, елкасида икки дарё мавжланаётган Китоб — асрлар садоси ва келажак овозига пешвоз чиқди. Қадимий ва машҳур Тахтакорача довони пойида жойлашган Қайнар қишлоғида кенг адирлик бор. У кейинги йилларда «Наврўз сайилгоҳи» деб аталмоқда. Фестиваль учун худди шу ер танланди.

— Очиғи, бундай катта оммавий тадбирни очиқ табиат қўйнида ўтказишнинг ўзига хос гашти бор, — дейди фестивалнинг бош режиссёри Рустам Шамсиддинов. — Фестиваль дастури хилма-хил. Кураш, кўпкари, миллий ўйинлар, либослар кўргазмаси, халқ бахшиларининг кўриклари бўлиб ўтади. Очиқ майдонда пазандалар тотли таомлар тайёрлашади. Хуллас, ҳақиқий халқ сайли бўлади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Амир Темур бобомиз зафарли юришлардан Самарқандга қайтганидан кейин бепоён Конгил кенгликларида сайл ва тўйлар ўтказаркан. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак. У киши Шаҳрисабзда қурдирган тенги йўқ Оқсарой «Зафар дарвозаси» бўлган. Шу кунгача сақланиб қолган кунгирадор қанотлар — дарвоза орасидан чиққан катта карвон Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали олдидан ўтди. Гўё улуғ ишларимизга улуғ зот дуогўй бўлиб тургандай. Ўнлаб туя, от, араваларга юклар ортилган карвон асрлар юкини кўтаргандай сайилгоҳга кириб кела бошлади. Туялар бўйнига илинган қўнғироқлар эса гўё асрлар садоси бўлиб янгради.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАНДАКОР УСТА

Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамда Ҳунармандлар уюшмаси аъзоси, фарғоналик кандакор уста Зокиржон Ғофуровнинг дурдона асарлари ноёб санъат намуналари сифатида нафақат юртимизда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам довруғ таратган.

Ўнлаб шогирдларига ўз ҳунари сир-асрорларини қунт билан ўргатаётган кандакор устанинг мўъжаз устахонасида тайёрланаётган асарлар кўплаб чет эл кўргазмаларида ҳам намойиш этиб келинади. Хусусан, шу кунгача устанинг ижод намуналари Россия, Қозоғистон, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония ва Болтиқбўйи давлатларида муваффақият қозонган. Шу билан бирга, моҳир устанинг ўзбек миллий кандакорлик анъаналари асосида яратилган ўнлаб асарлари нусхалари юртимиздаги қатор санъат кўргазмалари, музейлар пештахталаридан муносиб ўрин эгаллаган.

— Келажакда ниятларим кўп. Аввало, устозим, машҳур кандакор уста Мақсуд Мадалиевдан ўрганган маҳорат мактаби сабоқларини ёшларга ўргатиш, янги-янги ижод намуналарини яратиб, кандакорлик шуҳратини янада юқори поғоналарга кўтаришдир, — дейди Зокиржон Ғофуров. — Қолаверса, ўз тажрибаларимни фарзандларимга ҳам ўргатиб, оиламизда кандакорлик анъаналарини давом эттириш.

Суратда: *кандакор уста Зокиржон Ғофуров ўғли Фирдавс билан иш устида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

СЎЗ

Мавриди келмаса чопма бедовни,
Жавобини билсанг, берма саволни.
Дунёда сукутдан яхшироғи йўқ,
Сўз айтишга мажбур қилма бировни.

Абдулла ОРИПОВ,
2008 йил, 29 апрель.

ИЖОД — КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Адабиёт, ижод шундай бир бағрикенг оламки, унинг эшиги ҳамма учун ҳамиша очиқ. Касб ҳам, ёш ҳам танламайди... Эътиқод билан изланса, бу беҳиштда ҳар ким ўз сўзини топаолади...

Адабиёт деб аталмиш эзгулик олами ичра яшаган одамдан ёмонлик чиқмайди дейишади. Унинг кўнглида яхшилик яшайди. Касб-коридан қатъи назар бундай одамлар қалбида илоҳий туйғулар мавж уради... Фақат ўз касбига дахлдор масалалар устида эмас, балки меҳр-оқибат, диёнат, инсон, ҳаёт, Ватан ҳақида ҳам ўйлайди. Бундай одамлар бошқаларни ҳам ўйга толдира олади. Бунга машҳур шифокор Абдулла Шоносир, самарқандлик прокуратура ходими Исматулла Йўлдошев, қашқадарёлик ҳуқуқшунос Холмуҳаммад Ҳасан каби турли касб эгаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳаётга, инсонга муносабати бошқа ҳамкасбларидан бироз бўлса-да фарқ қилади, кўнгли очиқлик, камтарлик, самимият сезилиб туради.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьяси Исматулла МАМАНОВ ҳам ана шундай инсонлардан. Унинг ёзганларини ўқисангиз беихтиёр хаёлга толиб қоласиз...

УЧЛИКЛАР

Адолат —
Туҳматнинг кўксига санчилган шамшир.
Суғурманг уни.

◆◆◆

Оёғим ердан узилиб,
Нафс дорига осилиб
Ўлганимга анча бўлди.

◆◆◆

Воситачилик ҳар ҳолда
Пора олиш дегани эмас.
Аммо, иккаласи ҳам жиноят.

◆◆◆

Умр қисқа эди,
Туҳмат аралашиб
Баттар қисқарди.

◆◆◆

Ит вафо...
Бадфеъл эркакларнинг туҳмати бу —
Аёл зотига.

◆◆◆

Етмиш ёшдан ўтди бу одам.
Умр берсин.
Лекин, қишлоғидан нари ўтмади.

◆◆◆

У эшикдан кириб,
Бу эшикдан чиқдим.
Умр ўтди.

◆◆◆

Туяни яширсанг ўркачи...
Касални яширсанг иситмаси...
Ҳақиқатни яшириб бўлмайди.

◆◆◆

Қилич қинидан чиқди...
Огоҳ бўл.
Инон-ихтиёри ўзида эмас.

◆◆◆

От тепкисини от кўтарар.
Кўтаролмаса...
Отлиги қаерда қолди?

◆◆◆

Тушунарлими?
Тушунарли, деди ҳамма.
Демак, тушунарли эмас.

◆◆◆

Туғилдинг —
Ўлдинг.
Оралиқ йўл — Синов.

Исматулла МАМАНОВ

Фанимиз фидойилари

ЗОИР ОТАНИНГ ОЛИМ ЎҒЛИ

Қаттиққўл ва талабчанлиги билан ном чиқарган кимё фани ўқитувчиси Мирзажон Комилов бугунги дарсни одатдагидан фарқлироқ хушкайфият билан бошлади: «Болалар, ҳалол меҳнат билан бир ишни қилганингдан кейин шунга яраша натижасини кўриш инсонга завқ, хурсандчилик бағишлайди. Вақтим, кучим бекор кетмабди, умрим беҳуда ўтмабди деб ўзингизда бир сидра қониқиш туясиз.

Синфдошингиз Машкура Содиқованинг акаси Олимжон бундан саккиз йил аввал худди мана шу мактабда ўқиганди. У кимё фанига жуда қизиқарди. Менделеев жадвалини ёдлаб, турли тажрибалар ўтказишга рухсат беришимни кўп сўрарди. Мабодо маҳалласидан ўтиб қолсам, албатта, шогирдимнинг отаси Зоир акага дуч келардим. У киши фарзандининг ўқиши, мактабдаги юришту-ришини эринмай сўрардилар. Ўғлимнинг исмини орзу-ҳавас билан Олим деб қўйганман. Ниятларим ушалармикан, домла? — деб сўрардилар.

Ота-онасининг болалари тақдирига бефарқ эмаслиги боис орадан йиллар ўтиб, Олимжон Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетига ўқишга кирди. Уни тамомлагач, ЎзРФАнинг Ўсимлик моддалари кимёси институтидаги тажриба-технология лабораториясида катта лаборант бўлиб иш бошлади ва кейинги фаолиятини илмга, изланишга қаратди. Куни кеча «Кимё» журналида Олимжоннинг алкалоидлар ишлаб чиқариш технологияларига оид биринчи илмий мақоласи эълон қилинибди. Мен ва ота-онасининг меҳнатлари зое кетмабди. Буни сизларга ибрат бўлсин дея гапириб беряпман...»

Олимжон дастлабки илмий изланишлари билан илмий-тадқиқот институтидаги домлалари, ҳамкасблари орасида тезда обрў-эътибор топди. Институт асосчиси, академик Собир Юнусовнинг назарига тушди. 1984 йилга келиб эса «Протопин, гидрастин, гелиотрин ва лаппаконитинларни ишлаб чиқариш технологиялари» мавзуида номзодлик диссертацияси ёқлади.

Олимжон Содиқовнинг бугунги кунгача юздан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Унинг аллапинин, аконитин, бикукулин каби препаратлари турли халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмаларда иштирок этиб, олтин, кумуш ва бронза медаллари сазовор бўлган. Ҳозир у киши «Алкалоидлар ишлаб чиқариш технологияси», «Алкалоидлар миқдори ва сифатини аниқлаш усулларини ишлаб чиқариш» гуруҳларининг илмий ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шу ўринда институт олимлари, жумладан, Олимжон Содиқовнинг ҳам саъй-ҳаракати туфайли яратилган бир кашфиёт ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу халқаро миқёсда эътироф этилган доривор ўсимликдан олинадиган антиаритмик аллапинин препаратидир. Бундан йигирма икки йил муқаддам яратилиб, институтнинг тажриба-ишлаб чиқариш корхонасида чиқарила бошлаган бу дори-дармон ҳозиргача юрак хасталигига учраган миллионлаб инсонларнинг дардига малҳам бўлиб келмоқда.

Юрак хуружи ҳозирга келиб, том маънода аср касалига айланди. Асаблар, эҳтиросларга қайнаган пайтда юрак панд бериб қўйиши оддий ҳолга айланиб қолди. Бунинг олдини олиш, юракнинг мунтазам ишлаб, бир меъёрда уриб туришини таъминлаш масаласи кун тартибига чиққан муаммолардан бирига айланди. Ушбу касалликни тез ва таъсирчан даволашда қўлланиладиган дори-препарат академик Собир Юнусов бошчилигидаги ўзбек олимлари томонидан яратилди. Мазкур препаратдан бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ давлатлари ва ҳатто Францияда ҳам фойдаланилиб келинмоқда.

2007 йилда аллапинин доривор препарати асосларини ишлаб чиқиб, уни тиббиёт амалиётига татбиқ этиб, ишлаб чиқишни ташкил этган бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасида янги таъсис этилган биринчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Улар орасида Олимжон ака ҳам бор.

Олимжон ака ҳозир ҳам ёниб, янги илмий лойиҳалар, ихтиролар хаёли билан яшамоқда. Барчамизга ана шундай ёниб яшаш бахти насиб этсин.

Шуҳрат РИЗАЕВ

Суратда: *Олимжон Содиқов шогирдлари ва ҳамкасблари билан.*

Аччиқ, аммо очиқ гап!

ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ

ёки бепарволик ва масъулиятсизлик оқибати

Юртимиз харитасида пайдо бўлганига эллик йил тўлган чўлқуварлар маскани — Янгиернинг ҳавас қилгулик боғ-роғлари, хиёбонлари, равон кўчалари, обод майдонлари кўп. Шулардан бири шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтувчи Жанубий Мирзачўл канали ва Катта Ўзбек тракти ёқасидаги сайхонликда жойлашган Саркисов хиёбони эди.

Мазкур хиёбон бундан ўнўн беш йиллар илгари янгиерликларнинг энг севимли ҳордиқ маскани эди. Бу ерга саратонда ёшлар, фахрийлар келиб, арча, чинор, эманлар соясида мириқиб дам оларди, келин-куёвлар эсдалик учун суратга тушарди, ўтюрак йигит-қизлар каналда мазза қилиб чўмиларди, ахду паймонли ёшлар ҳаяжонли висол учрашувларига чиқарди.

Яқинда янгиерлик бир танишимизникига меҳмонга ўтаётиб, хиёбоннинг бугунги аҳволига кўзимиз тушди-ю, гўзал бир гўшанинг ташландиқ ҳолидан юракларимиз увишиб кетди. Дарахтлар қаровсизликдан сийраклашган, улар остидаги ўриндиқларнинг ранги ўчган, симёғочлардаги ёритгичлар синдирилган, ерга тартиб билан ётқизилган мармар кошинлар кўчирилган...

Хиёбон маркази чиройли манзарали чўян панжаралар ва занжирлар билан ўралган эди. Ҳатто шуларнинг ҳам бир қисмини кимлардир кўчириб кетибди. Кишини афсуслантирадиган, кўнгилни хира торттирадиган бу манзара ҳаммани назаридан четдаги бир гўшада эмас, шаҳарнинг энг кўринарли ерида жойлашган. Қўл чўзсанг етадиган жойда автошоҳбекат, равон марказий кўча эса тўғри ҳокимият биносига олиб боради. Демак, шаҳар раҳбарлари, жамоатчилик деярли ҳар куни бу ердан бир неча марта ўтишади. Наҳотки уни кўришмаса? Нима бу — бепарволикми? Ёки кимдир келиб бу ерни обод қилиб беради деб кутишмоқдами? Эҳтимол, шаҳар раҳбарлари маблағ йўқ деб баҳона қилишаётгандир? Наҳотки бу ишга ҳомийлик қиладиган мард топилмаса? Наҳотки одамларнинг бошини қовуштириб, ҳашар уюштиришнинг имкони бўлмаса?..

Ўйлаймизки, шаҳар жамоатчилиги бу аҳволга муносабат билдиради, хиёбонни асл ҳолига қайтаради ва уни яна янгиерликларнинг севимли маскани айлантиради.

Анқабой ҚУЛЖОНОВ,
Гулистон давлат университети профессори.
Турсунбек РАҲМОНОВ,
Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник.
Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«POYTAXT AUKSION»

давлат унитар корхонаси

2008 йилнинг 3,6,10,13,17,20,24,27 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, Савдо расталари, 1-бинода жойлашган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дон инспекцияси тасарруфидаги 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AW 540 бўлган, «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 3 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Собир Рахимов тумани, Чимбой кўчаси, Талант проезди, 3-уйда жойлашган O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi Pediatriya ilmiy-tekshirish instituti тасарруфидаги 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 846 бўлган, «ВАЗ-2121» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 1 200 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-уйда жойлашган O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi Yangi texnologiyalar ilmiy-axborot markazi тасарруфидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AY 846 бўлган, «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 200 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхотоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-02-49.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat roxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
12490 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 00.35
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda